Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

39

1994 йил 24—30 сентябрь (181)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

... Биз қураётган жамият чинакам инсонпарварлик жамияти бўлиши даркор.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир миллат вакили ушбу ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи ва имкониятларидан фойдалана олсин.

Уларнинг ҳар бири бошини баланд кўтариб, фахр ва ғурур билан: "Мен — озод ва обод Ўзбекистоннинг эркин фуқаросиман!", дея олсин.

Ислом КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ XVI СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

22 сентябрь куни Тошкентда Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўн олтинчи сессияси иш бошлади. Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов очди.

Мажлис аҳли Ўзбекистон халқ депутати, марҳум Қўзибоқар Синдоров хотирасини бир дақиқа сукут билан ёдга олди. Депутатлар сессия кун тартибини тасдиқлади ва котибиятни сайлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессияда катта нутқ сўзлади. (Мамлакатимиз Президенти нутқининг тўла матни республика кундалик газеталарида эълон қилинди). Олий Кенгаш Республика Президентининг нутқи юзасидан қарор қабул қилди.

Кичик танаффусдан кейин мажлисни Ўзбекистон Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров бошқарди.

Олий Кенгаш Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов "Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун қабул қилинди.

Шундан кейин республика адлия вазири А. Мардиевнинг Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларининг лойиҳалари ҳақидаги маърузалари тингланди. Бу кодекслар ҳам Олий Кенгаш томонидан қабул қилинди.

* * *

23 сентябрь куни Тошкентда Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўн олтинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов бошқарди.

Фан ва экология масалалари қўмитаси раиси А. Жалиловнинг Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ҳақидаги маърузаси тингланди. Депутатлар бу қонунни қабул қилдилар.

Олий Кенгаш айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Келгуси йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари ваколатлари муддатларининг тугаши муносабати билан Олий Кенгаш шу йилнинг 25 декабрига Олий мажлис депутатлигига, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига сайлов тайинлади.

Сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг баъзи қарорларини тасдиқладилар.

Парламент Ўзбекистон Республикаси ва Туркия жумҳурияти ўртасидаги Фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномани ҳамда Консуллик конвенциясини ратификация этди.

Олий ва Олий хўжалик судлари таркибига ўзгартиришлар киритилди.

Депутатлар Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иши тўғрисидаги ахборот матнини тасдиқладилар ва уни матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шу билан Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўн олтинчи сессияси ўз ишини якунлади.

ХАБАРЛАР МАГЗИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ пахтакорлари дастлабки довондан ошдилар: давлат қабул пунктларига бир миллион тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хом ашёси тўкилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармонлари билан Шамсутдин Зиёвутдинович Бобохонов Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди. Унга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бўлиб ўтган мажлисида вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшма ва корпорациялар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари қатнашди. Йиғилишда республика халқ хўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва кун тартибига қўйилган масаланинг халқ хўжалигидаги ҳар соҳа учун долзарб жиҳатлари хусусида гапирди.

ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганининг уч йиллиги муносабати билан Президент фармонига биноан бир гуруҳ ватандошларимиз республиканинг олий орден ва медаллари билан тақдирланган эди. 20 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Уни Президент Ислом КАРИМОВ очди.

Муҳтарам ватандошлар! Бугун биз қувончли ва ҳаяжонли бир воқеа муносабати билан учрашиб турибмиз, деди Президент.

Маълумки, мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасида ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида алоҳида ўрнак кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳи олий нишонларга сазовор бўлган эди.

Бугун биз "Дўстлик" орденини дастлабки соҳибларига топшириш ва уларни муборакбод этиш учун йиғилдик.

Лекин, ижозатларингиз билан, аввало сўзни ўша Фармонда биринчи бўлиб зикр этилган "Мустақиллик" орденидан бошласак.

Хабарингиз борки, "Мустақиллик" ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг моддий-маънавий ҳаётини мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар мукофотланади.

Бу юксак мукофотга биринчи бўлиб, буюк адиб ва улуғ инсон Абдулла Қодирий сазовор бўлди. Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир.

Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмаса керак. У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адиби, озодлик ва истиқлол куйчисидир.

Бу буюк зот ўз жонини, ўз истеъдодини ватанимиз эркинлиги ва мустақиллиги, халқимизнинг бахту саодати йўлида фидо қилди. Унинг ҳаёт ва ижоддаги саботи ва ҳалоллиги, авлодлар қалбида ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбия этиб келмоқда. Абдулла Қодирий — бизнинг замондошимиз. Унинг муборак номи ва руҳи ҳамиша биз билан бирга.

Насиб этса, яқинда Ўзбекистон халқи Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлайди. Ўша тантанали кунларда буюк ёзувчимизнинг зурёдларига Абдулла Қодирий орзу этган ва азиз жонини бағишлаган буюк мақсад — мустақиллик номи билан юритиладиган энг биринчи орденни топширамиз деган эзгу ниятимиз бор.

Муҳтарам дўстлар!

Бобомиз Амир Темур: "Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир" деб авлод-аждодларимизга васият қилган эканлар, дейди Ислом Каримов, бугун юрт дарди билан яшаш, элга ҳалол меҳнат қилиш — улуғ бобомизнинг насиҳатларини бажаришдир. Шундай ғоя-мақсад билан яшаётган инсонлар бугун шу залда тўпланганлар.

Бугун сизларга — "Дўстлик" орденининг илк соҳибларига ана шу мукофотларни топшириш шарафидан беҳад мамнунман.

Бугун Ўзбекистонимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашда катта хизмат кўрсатган, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга шундай олийжаноб фаолияти билан эл-юртимизнинг равнақи, порлоқ истиқболи учун улкан ҳисса қўшаётган — адиблар, олимлар, давлатимиз ва жамиятимиз арбобларини, кўп миллатли зиёлилар ва ишчилар — халқимиз вакилларини бағримга босмоқчиман ва уларни "Дўстлик" ордени билан чин қалбимдан табрикламоқчиман.

Ишонаманки, сизлар бу орденни фахр ва ғурур билан кўксингизга тақиб юрасиз. Ишонаманки, бу орденлар ҳаммамизни сизлар каби элга сидқидилдан хизмат қилишга руҳлантиради.

Бугун сизларга ушбу мукофотларни топширар эканман, ватанимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятингизга куч-ғайрат, ташаббускорлик, шижоат тилайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик, оилавий фаровонлик тилайман, ишларингизда доим омад ёр бўлсин!

Президент Ислом Каримов фидокорона меҳнати, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун "Дўстлик" орденига сазовор бўлганларга юксак мукофотларни топширди. Шунингдек республика Миллий хавфсизлик хизмати раиси Ғ. Алиев ва Ўзбекистон Олий суди раиси У. Мингбоевга "Жасорат" медали топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада кўрсатган матонат ва жасорати учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 майдаги қарори билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилган эди. Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов ана шу юксак унвонни топшириб, "Олтин Юлдуз" олий нишонини юртбошимиз кўксига тақиб қўйди. Йиғилганлар Президент Ислом Каримовни олий мукофот билан қизғин қутлади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Б. Рапиғалиев, А. Орипов, У. Аширбеков, Шукрулло, З. Муҳаммаджонов, Зулфия, И. Афанасьева, Т. Екель, В. Пак, Т. Каримова камтарона хизматлари юксак қадрлангани учун миннатдорлик билдириб, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Ота-боболаримиз бир орзу билан яшаган, деди Ислом Каримов маросим сўнгида. Бу ҳам бўлса, шу юртни бахтли-саодатли қилиш. Илоҳим, шу уйимиз, ягона хонадонимиз — Ўзбекистонга қўнган бахт қуши — тинчлик, осойишталик, барқарорлик бизни тарк этмасин. Юрт тинч, халқимиз ризқ-рўзи тугал, фарзандларимиз омон бўлсин. Мен иродаси бақувват, иймони бутун халқимга яна бир марта таъзим қиламан. Ҳаммамизга Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш насиб этсин. Ана шу йўлда барчамиз елкадош бўлайлик.

Тантанали маросимда республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

ЎзА мухбири.

ЯНГИЧА УСЛУБ, ЯНГИЧА ҒАЙРАТ

Биз тармоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қила олсак, улар томонида туриб, қўлласак улар бизга ишонишади. Касаба уюшмаси ўзларининг суянган тоғи эканини чуқур тушуниб етишади.

Тармоғимизда 689 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари бўлиб, биз уларнинг ҳар бири билан мустаҳкам алоқа боғлаб, деҳқоннинг, ҳар бир меҳнаткашнинг ҳол аҳволидан, турмуши, ҳақ-ҳуқуқи ҳимоясидан хабардор бўлиб туришларини қатъий талаб қилаяпмиз.

Бошланғич ташкилотлар ёлғиз ўзлари кўп иш қилолмасликлари мумкин. Шунинг учун жойлардаги ташкилотлар, хўжаликлар билан ўзаро ҳамкорлик қилаяптилар. 689 та ташкилотнинг 98,5 фоизида жамоа шартномалари ва битимлар тузилган. Қўмитамиз ходимлари, ҳуқуқшунослар жойларга чиқиб уларнинг бажарилишини назорат қилиб боришаяпти.

Шартнома ва битимларда қайд этилган энг асосий масалалар — камдаромадли, кўп болали оилаларга ёрдам бериш, уларнинг фарзандларини бепул соғломлаштириш, меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, ишлаб юриб ногирон бўлиб қолган кишиларга, нобуд бўлганларнинг оилаларига қўшимча иқтисодий ёрдам бериш, меҳнаткашлардан тушаётган ариза, шикоят ва таклифларга ўз вақтида жавоб бериш ва ҳоказо имтиёзлардан иборатдир.

Ҳар бир бошланғич ташкилот раиси бу вазифаларни яхши билиб олиши учун вилоятда ўқув ташкил қилдик. Қуруқ нутқлар эмас, асосий қилинадиган ишлар бирма-бир тушунтирилди. Ходимларимиз жойларга чиққанда бошланғич ташкилот раислари билан самарали ишлаб, уларга имкон қадар амалий ёрдам беришаяпти.

Касаба уюшмаси ишининг билимдонларидан: Риштон туманидаги А. Навоий номли хусусий ҳиссадорлик ва фермер хўжаликлари уюшма раиси Маҳмуджон Хожиев, уюшма бошланғич касаба ташкилоти раиси Ғуломжон Йўлчиев билан ҳамкорликда меҳнаткашлар учун кўп савобли ишлар қилаяптилар. Масалан, булар декрет таътилида юрган аёлларга то боласи 1 ёшга тўлгунга қадар ҳар ҳафтада гўшт маҳсулотлари беришади. Бу имтиёздан ёлғиз кишилар ва боқувчисини йўқотган кексалар, уруш қат-нашчилари ҳам манфаатдор. Бошига ўлим тушган оилаларга қонун-ларда кўзда тутилган ёрдамдан ташқари 1 қўй, 50 кг. шоли, 100 кг. буғдой, 10 кг. ўсимлик ёғи берилади. Ишловчи агар касалхонада даволанса унинг касаллик варақасига пул тўлашдан ташқари яна моддий ёрдам берилади.

Бундай савоб ишларни Бешариқ туманидаги "Рапқон" ва Ўзбекистон туманидаги Ғафур Ғулом номидаги жамоа хўжа-ликлари бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари ҳам амалга оширишаяпти. Бу хўжаликлар иш тажрибалари қўмитамиз ҳайъат йиғилишида оммалаштирилиб, барча бошланғич ташкилотларга тавсия қилинди. Улардан албатта ўрнак олиш керак.

Қўмитамиз ташаббуси ва ғайрати билан ризқ-рўзимиз бўлган ғалла ўрим-йиғими кунларида барча хўжаликларда бепул иссиқ овқат ташкил этилди. Илғор ғаллакорларни рағбатлантириш мақсадида вилоятимиздаги санаторий—профилакторийга 20 та йўлланма ажратдик.

Президентимиз фармонларига асосан тармоғимизга қарашли 65 та давлат хўжалигидан 55 таси мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирилди. 52 та сут-товар фермаси хусусийлаштирилди. 1200 дан зиёд фермер хўжаликлари ташкил этилди. Энди ана шу хўжаликларда касаба уюшмалари ташкилотлари тузиш, янгича иш услублари топиб, жорий этиш, иш берувчи билан иш бажарувчилар ўртасида ижтимоий ҳимоя масалаларининг изчил амалга ошириш ишларини олиб бораяпмиз. Иш берувчи ўзининг янги талабларини қўйяпти. Шунинг учун қотиб қолган иш усулларидан воз кечиб, икки куч ўртасида шундай фаолият кўрсатишимиз керакки, ундан ҳам иш берувчилар ва бизнинг аъзоларимиз мамнун бўлсинлар.

Бу йил тармоғимизга қарашли соғломлаштириш масканларида 22 мингдан зиёд меҳнаткаш ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Яна энг муҳими бу йил 18 минг ўғил-қиз тармоғимизга қарашли болалар оромгоҳларида дам олдилар. Биз бу ишда хўжаликлар аҳволини ҳисобга олиб, ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобидан 258,5 миллион сўм-купон маблағ ажратиб бердик. Бундан ташқари сариқ касали билан оғриган болаларни соғломлаштириш учун алоҳида оромгоҳ ташкил қилинди. Мана, уч йилдан бери "Ирригатор" оромгоҳида бундай болалар чиниқиб, дам олаяптилар. Ҳар йили 100 нафардан ортиқ алоҳида истеъдодли болалар Фарғона ёғмой комбинати қошидаги болалар оромгоҳида дам олишмоқда.

Ютуқларни санашда давом этишим мумкин. Лекин ишимизда ҳали камчиликлар бор. Энг муҳим ишларимиздан бири меҳнат муҳофазасига эътибор бериш, қулай меҳнат шароитлари ташкил этилишини назорат қилишдан иборатдир. Кейинги бир йил ичида ходимларимиз 183 та ташкилот ва хўжаликда меҳнат муҳофазаси бўйича текшириш ўтказиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар белгилашди. Меҳнат муҳофазасига доир талабларни бажармагани учун 140 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Айниқса, меҳнат муҳофазаси борасида чорвачилик фермаларида ишлаётган фуқароларга диққат-эътиборни қаратиб, уларнинг меҳнат шароитлари, иш ҳақлари хусусида назорат олиб бордик. Ёрдам бердик.

Фарғона вилояти меҳнаткашларининг деярлик ярми қишлоқда яшайди ва ишлайди. Президентимиз фармонларига биноан қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотлари харид нархлари бир неча баробар оширилди. Бу борада янада ижобий ўзгаришлар бўлишидан умидвормиз. Чунки ўз миллий валютамизга ўтишимиз ва олиб борилаётган сиёсатимиз ана шу мақсадларга йўналтирилганлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Исмоил АБДУЛЛАЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитаси раиси.

Касаба уюшмалари ҳаёти

ШАРТНОМА САМАРАЛАРИ

Давлат муассасалари ва жамоа хизмат ходимлари касаба уюшмаси Уйчи тумани қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Муҳаммаджон Тўраев маърузасида таъкидлаганидек ҳисобот даврида асосий эътибор бошланғич касаба уюшмаларининг фаолиятини яхшилаш, маъмурият билан алоқани мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчилар саломатлигини тиклаш, даволаниш ва дам олишларига имконият яратиш, белгиланган режа ва топшириқларнинг ўз вақтида уддаланишини таъминлаш, ижтимоий суғурта масалалари билан чуқурроқ шуғулланиш, янги қабул қилинаётган қонунларга риоя этишга қаратилди.

Ҳисобот даврида йўлланма сўраб мурожаат қилган бирон касаба уюшма аъзосининг аризаси қондирилмасдан қолмади. Бундан ташқари шу йилнинг ўзидагина 200 дан ортиқ ишчи-хизматчи "Кўксарой" сайёҳлик базасида ҳордиқ чиқариб қайтди. Касаба уюшма аъзоларининг фарзандлари учун 5472 та янги йил совғаси уюштирилди, ёзги таътил пайтларида дам олиш масканларида бўлишларига эришилди. Қўмитанинг бош-қошлигида ногиронларга, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Муҳтож ҳар хил тоифадаги касаба уюшма аъзоларидан 562 нафарига моддий ёрдам берилди, 112 киши санаторий ва курортларда, 67 киши эса дам олиш уйларида саломатликларини тиклаб қайтдилар.

Бундан олдинги йилларда жамоа шартномалари фақат ишлаб чиқариш корхоналаридагина тузилар эди. Эндиликда бюджетдан таъминланадиган ташкилотларда ҳам ижтимоий ҳимоянинг бу усули қўлланилмоқда. Шунга мувофиқ Уйчи туманида ҳам қўмита билан 1994-1995 йиллар учун ҳокимият ўртасида тузилган жамоа шартномасига амал қилиняпти.

Афсуски, қўмита фаолиятининг барча қиррасида аҳволни бир хил деб айтиш қийин. Бу тўғрида маърузачининг ўзи ва музокарада сўзга чиққанлар алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Конференцияда Муҳаммаджон Тўраев яна давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раислигига сайланди. Конференцияда Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси Ҳабибулло Абдураҳимов, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Мираббос Жалилов, туман ҳокими Турсунпўлат Мирзамаҳмудовлар иштирок этишди.

"Ишонч" мухбири.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА

Давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят қўмитасининг VI мажлисида ташкилий масала кўрилди. Бахтиёр Умаров бошқа ишга ўтганлиги сабабли вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасидан озод қилинди. Илгари Жиззах вилоят маиший хизмат, маҳаллий саноат ва коммунал хўжалиги ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси раиси ўринбосари вазифасида ишлаб келган Алишер Каримов вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланди.

Мажлисда Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси А. Муҳаммаджонов, Жиззах вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси И. Хушиевлар иштирок этишди.

"Ишонч" мухбири.

ТАЯНЧ МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Навоий вилоятидаги "Жамоа-хўжаликқурилиш" трести бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида асосий эътибор меҳнат кишисини ишлаш ва яшаш тарзи масалаларига қаратилди. Бирлашган касаба уюшмалари аъзолари сони сўнгги икки йилда 300 нафарга ўсиб, 1500 кишига етди. Айни пайтда улар 15 та қурилиш ташкилотида меҳнат қилишаётир.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида юзага келган ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни ҳисобга олган қурилиш ташкилот маъмуриятлари ва касаба уюшмалари ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, яшаш тарзидаги иқтисодий тангликни бартараф этишлари учун ҳамкорликда муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу борада айниқса, трестнинг Қизилтепа туманида фаолият кўрсатаётган 214 ва 216-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонналарида олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Бу ташкилотларда касаба уюшмаларининг роли сезилмоқда, таъсирчанлиги кўзга ташланаётир,- дейди касаба уюшмалари қўмитаси раиси О. Гулинова, — бироқ, Навоий туманидаги 213, Нурота туманидаги 212-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонналарда касаба уюшмаларига аъзолик бадаллари йиллаб тўланмаяпти. Бунга асосий сабаб, ишчи-хизматчиларга ойлик ўз вақтида бериб борилмаётганлигида бўлса керак.

Ҳисобот даврида республикамизнинг турли оромгоҳларига 7 миллион 677 минг 300 сўмлик йўлланмалар тарқатилган. Шу каби кўплаб ишчиларнинг фарзандлари ёшлар оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришлари таъминланган.

Ҳисобот маърузаси юзасидан бўлган музокараларда 214-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна касаба уюшмаси қўмитаси раиси Р. Шарипова ишчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, кўп болали оилаларга моддий ёрдам бериш борасидаги муаммолар хусусида гапирди. 215-механизациялашган кўчма колонна ҳайдовчиси А. Сувонов иш шароитининг ёмонлиги, ишчилар махсус кийимлар билан таъминланмаётганлиги тўғрисида фикр билдирди. 217-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннасидан Т. Ҳамроев, қурилиш ташкилоти касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н. Маханов ўз ишини умуман ташлаб қўйганлиги, касаба уюшмаси маблағидан фойдаланмаётганлиги, шунга қарамасдан трест бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси унга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмаётганлигини ачиниш билан эътироф этди...

Конференцияда трест бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг янги таркиби сайланди. О. Гулинова касаба уюшмаси қўмитаси раислигига қайта сайланди.

"Ишонч" мухбири.

"ОҚ ОЛТИН" КАРВОН-КАРВОН

Республикамиз пахтакорлари йиғим-теримни кучайтириб хирмонга барака киритмоқдалар. Ҳар бир кун ва ҳар бир соатни ғанимат билиб терим суръатини тобора кучайтирмоқдалар. Ҳозиргача уюлган хирмон бир миллион тоннадан ошиб кетди. Машина теримига ҳам зўр бериш пайти етди. Ҳозирги долзарб вазифа — барча куч, имконият ва техника воситаларини тўла ишга солиб қулай фурсатни қўлдан бой бермай етиштирилган барча ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб териб олишдан иборат.

Суратларда: Бу йил ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган Боёвут тумани Охунбобоев номидаги ширкатнинг илғор теримчиси Норой Рустамова (чапда), бригада бошлиғи Раимқул Ашуралиев ва теримчи Дониёр Норматовлар лўппи пахтанинг сифатидан қониқмоқдалар.

Пастдаги суратда сиз шу ширкатда ҳар куни 110 килограммдан пахта териб хирмонга тўкаётган илғор теримчи Юнус Муҳаммадиевни кўриб турибсиз.



Суратларни Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган.

Ўзбекистонимизнинг улкан "оқ олтин" хирмонини тезроқ бунёд этишда дала меҳнаткашларига зарур шарт-шароитни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада савдо ходимлари зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган. Ана шу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Косонсой тумани савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раиси Йўлдошхон Мамадалиев шундай хикоя қилади:

ПАХТАКОРЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

Албатта, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичи давом этаётган бугунги даврда пахтакорлар талабини тўла қондираяпмиз, дейиш қийин. Лекин имкон қадар уларнинг турмуш кечиришлари, рўзғор тебратишлари, унумли меҳнат қилишлари учун имконият яратиш эл хизмати соҳаси ходимларининг муҳим бурчи эканлигини яхши биламиз. Бинобарин, биз мавсум бошланишидан анча илгари тайёргарлик ишларига киришдик. Куз ойларининг ўзига хос хусусиятларини, йиғим-терим чоғида асқотадиган саноат, уй-рўзғор ва озиқ-овқат моллари заҳирасини тўпладик. Касаба уюшма ходимлари билан келишилган ҳолда теримчилар ва механизаторлар учун пахта йиғим-теримида керакли бўладиган 2 минг жуфт керзовой этик, 10 минг жуфт калиш, 5 минг дона гуппи, 20 минг жуфт этик, атир совун, вазелин, кир ювиш порошоги ва бошқа нарсаларни ғамлаб қўйдик.

Қишлоқ жойлардаги савдо тармоқларимиз иш вақти бўйича ҳам бир мунча ўзгаришлар киритдик. Одамларнинг дала иши билан банд бўлишларини ҳисобга олиб, дўконларимиз эрталаб соат 7 дан очилади. Кечқурун эса соат 21 дан кейингина иш фаолиятларини тугатадилар.

Хўжаликларимиздаги дала шийпонларининг бирортасини ҳам эътибордан четда қолдирмасликка интиляпмиз. Уларнинг ҳар бири алоҳида дўконларга биркитиб қўйилган. Ходимларимиз навбат билан дала айланишади. Юқорида тилга олинган тартиб бўйича далада ишлаётганлар талаб ва эҳтиёжларини қондириш чорасини кўрадилар.

Маълумки, йиғим-терим мавсуми фақат деҳқонлар учунгина эмас, балки серқуёш мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро, барча касб эгалари учун ҳам ўзига хос имтиҳондир. Буни чуқур англаб етган ходимларимиз намуна кўрсатмоқдалар. Фахрий савдочимиз Дадахон Бузуруковни кўпинча "Дўстлик" жамоа хўжалиги далаларида учратасиз. Оқсоқол дўкон мудирларимиздан Усмонхон Исроилов ҳам "Деҳқонобод" жамоа хўжалиги пахтакорлари ташвишида елиб-югуради. "Кўкимбой" жамоа хўжалигида Баҳринисо Қодирова, Зумрад Мўминова, Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигида Яҳёхон Тўрахўжаевлар ҳам пахтакорлар меҳнатини енгиллатиш борасида кўмакдош бўлмоқдалар.

Булардан ташқари, мавжуд 8 та автодўконларимиз ҳам кун бўйи дала кезади. Турмуш учун энг зарур бўлган молларни далада ишлаётганларга етказиб бериш йўлида жон куйдирмоқдалар. Шу боисдан ҳам Орифжон Аҳмедов, Ғофиржон Саидов каби ишбилармонларимиз бошқараётган автодўконларда гугуртдан тортиб тузгача топиш мумкин.

Дам олиш кунларида ҳам ҳол-қудрат пахтакорларга ёрдамлашяпмиз. Ёшларимиз эса навбат билан пахта теришга чиқиб, кунлик режаларини доимо ошириб уддалашмоқда. Ниятимиз далада ишлаётганларга намунали савдо хизмати кўрсатиш билан бирга 350 тонна "оқ олтин" териб бериб, туманимизнинг умумий хирмонига муносиб ҳисса қўшишдир.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
"Ишонч" мухбири.

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

Ўш, Жалолобод, Хўжанд, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари касаба уюшмаларининг ҳамкорликда ишлаётганига анча бўлди. Яқинда уларнинг 1991-1996 йиллар давомида — фаолият кўрсатадиган дўстлик ва ҳамкорлик Битими асосидаги навбатдаги учрашуви Жалолободда бўлиб ўтди.

Иштирокчилар дастлаб Жалолобод давлат маъмурияти бошлиғи Тойганбой Зикир улининг қабулида бўлдилар. Вилоят раҳбари республиканинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида тўхталиб, иқтисодий мақсадларда очилган қўшма корхоналар фаолиятига алоҳида баҳо берди. Наинки улар қаторида ўзбек-қирғиз қўшма корхонаси ҳалигача йўқлигини таассуф билан айтди.

Ҳамкорлар "Жалол-Обод" санаторийси, "Келечек" (келажак) тикув ҳиссадорлик жамияти, "Мадумар-ота" ишлаб чиқариш хусусий фирмаси, Сузоқ туманидаги "Коммунизм" жамоа хўжалиги фаолияти билан танишдилар. "Абу-Бакр" масжиди раҳбарлари билан учрашув ўтказдилар. Бозорқўрғондаги "Арслонбоб" пансионатида эса ҳамкорлик Битимининг ижроси таҳлил қилинди. Ўш ва Жалолободда ўзбек, Андижонда қирғиз маданий марказлари барпо этишга келишиб олдилар.

Учрашувда Қирғизистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Э. Абакиров иштирок этди.

Учрашув қатнашчилари Марказий Осиё Республикаси ҳукуматлари ва халқларига мурожаатнома қабул қилдилар

"Ишонч" мухбирлари.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари кенгашида касаба уюшмаси фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда қатнашган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Ҳ. Собитов касаба уюшмаларининг мавқеини ошириш, уларнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳақида гапирди.

Муродулло КЕНГБОЕВ,
"Ишонч" мухбири.

Тадбиркорлик

Кўнгилга келган қўлдан келса, билмайдиган иш қолмас, деган нақл бор элда. Дарҳақиқат, Жамолиддин Хожи Камолов астойдил ният қилиб, ишга киришган эдики, бари режа, мақсадлари рўёбга чиқди. У Наманган вилояти, Уйчи туманида "Иқбол" хусусий фирма ташкил қилиб, ўғли Баҳодир Камолов билан яқингинада 23 новвос олиб боқа бошлаган эди. Сал ўтмай унинг сони эллик бошга етди. Ҳозир ҳар бирининг оғирлиги бир тоннадан кам эмас.

Ишбилармонликни бутун оила аъзолари билан амалга оширмоқда. Қизи Ойдинхон ўн биринчи синфда таълим олади. У беш синфдоши, келинойиси Мунисхонга тикувчилик ҳунарини ўргатмоқда. Жамолиддин қизининг шогирдлари учун алоҳида тикувчилик цехи очиб бериш ҳаракатида ҳозир.

Жамолиддин ўғиллари Баҳодир, Бахтиёр, Адҳамжон, Жаҳонгирларни ҳам ўзидай ишбилармон, элнинг ҳожатини чиқариб, савоб оладиган уддабурро қилиб тарбиялаган. Уларнинг ташаббуси билан Наманган шаҳри марказида ошхона, чойхона, қассобчилик, музкаймоқ дўконлар ташкил этилган. Бобур шоҳ кўчасида эса бир эмас, олтита шундай шаҳобча ишлаб турибди.

Суратда: Жамолиддин Камоловнинг барча оила аъзолари ҳаётидан бир кўриниш.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

ЯНГИЛИКЛАР

«Ишонч» мухбирлари хабар қиладилар

КЎРИК-ТАНЛОВ

Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан "Энг яхши ҳамшира" кўрик-танлови ўтказилди. Унда вилоятдаги мавжуд санаторий-профилакторийларнинг ўрта махсус мутахассислик маълумотига эга бўлган тиббиёт ходимлари иштирок этдилар. Касб бўйича маҳорати, беморларга нисбатан муомаласи, миллий урф-одатларни қанчалик эгаллаганлиги, ҳозиржавоблиги, ўзбек аёлига хос хусусиятлари ва турмуш икир-чикирларига нисбатан топқирлиги имтиҳон қилинган мураккаб беллашувда "Намангангаз" санаторий-профилакторий ҳамшираси Жамида Бойдадаева биринчи, "Косонсой" сиҳатгоҳи ҳамшираси Иноят Шерова иккинчи, вилоят сув хўжаликлари қошидаги "Ирригатор" санаторий-профилакторий ҳамшираси Муҳаббат Мусахонова учинчи ўринларни эгалладилар. Ғолиблар эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Вилоят касаба уюшма фаоллари иштирок этган қизиқарли кўрик-танлов охирида "Намангангаз" бирлашмаси қошидаги "Аланга" бадиий-ҳаваскорлик дастаси ижросида катта концерт намойиш қилинди.

***

ЭЛ СИЙЛАГАННИ УНУТМАЙДИ

Эргаш Холматовнинг номи жиззахликлар учун ҳурматли ва қадрли. У киши бир вақтлар Зомин, Бахмал, Жомбой, Пастдарғом туманларида саркотиблик қилган. Мирзачўлни ўзлаштиришга муносиб ҳисса қўшган инсон. Меҳнат қаҳрамони Э. Холматов "Пахта иши"нинг қурбони бўлди. Юртдошлари унинг хотираси учун Зомин тумани хўжаликларидан бирига Эргаш Холматов номини беришди. Яқинда ана шу хўжаликда Эргаш Холматовга бюст ўрнатилди. Бюстни очиш маросимида вилоят ҳокими А. Тошкенбоев қатнашди.

ЎҒИЛ БОЛАЧА ГАП

Қишлоқларга газ келди, сув келди, томорқасига туташган пахтазорлар боғларга бўшатилди. Янги уйлар қуриш учун гектар-гектар жойлар ажратилди. Деҳқоннинг, чорвадорнинг меҳнати қадр топа бошлади. Аммо... оғриқли йилларнинг бергани алоҳида мададга, алоҳида кўнгил сўрашга муҳтож кексалар, ногиронлар, ёлғизлар йўқ эмас. Президентимиз буни ҳам қалб кўзи билан кўриб, аниқ адресли ҳимоя ҳақида кўрсатма берди.

Андижон вилояти деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Комилжон Абдувоитов билан мухбиримиз суҳбати шу ҳақида бўлди:

— Комилжон ака, касаба уюшмаси айнан сиз раҳбарлик қилаётган тармоқ қўмитасининг адресли ёрдам борасида олиб бораётган ишлари қалай кетяпти?

— Халқда табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, деган нақл бор. Ўзим деҳқонман. Ҳозир ҳам ўғилларим билан 2 гектарли ижара ерда меҳнат қилмоқдаман. Шукр, ҳозир анча баракали бўлиб қолди деҳқончилик. Ўтган йилги даромадимизга қараб айтаманда. Меҳнати бисёр қишлоқда меҳрга, мададга зор яшашдан оғири йўқлигини ҳис қиламан. Касаба уюшмасини ана ўша оғриқ дилларнинг ғамхўри деб айтсам ишонинг. Лекин қандоқ қилиб ғамхўр бўлиш мумкин?

Умумаҳолининг 80 фоизи қишлоқда, кам даромадлиларининг кўпи ҳам қишлоқда яшаса, қоқ қуруқ гап билан иш битир бўлмайди-ку...

— Чамамда, уюшма маблағи ҳақида гапиряпсиз?

— Ўша бир фоизли бадал пули ночор ирмоққа бўлиниши энг катта муаммо. Маълум қисми, ходимлар маошига, маълум қисми маданий-маърифий тадбирларга, қолгани ўксик дилларга мадад учун. Бу билан бугунги муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Қолаверса, мана шу идорага ишга ўтган кунимданоқ содда, меҳнаткаш қишлоқ аҳлининг бадал пулидан маош олиш ўзим учун эриш туйилди. Деҳқон бу пулни не машаққат билан топаётганини биламан.

— Хўш нима қилдингиз?

— Тадбиркор бўлишга аҳд қилдик. Маданият қишлоғидаги санаторий базасида 7 та бузоқ боқишни йўлга қўйдик. Аввал семирди, кўпайди. Гўшт топшира бошладик. Сал ўтиб, 10 гектар ер олиб, шоли экдик. "Иқбол" хўжалиги билан шартнома тузиб, ҳамма зарур шароитни яратиб бердик. Яна учинчи бир ишни ҳам бошладик. Уйида ўтирган аёллар учун тикувчиликни йўлга қўйдик. Боласига қараб, овқат-озиғини қилиб, бўш пайтлари тикув машинасида чеварлик қиладиган бўлишди. Ҳам меҳнат дафтарига ёзамиз, ҳам маош берамиз. Ана шу йўсинда даромад топишга ўргандик. Ҳозир тармоқ қўмитаси ходимларининг юз фоиз маоши ўша даромаддан. Касаба уюшма бадал хазинасини эса Сиз айтган оғриқ дилларга малҳам бўлишига, қишлоқ маданий-маърифий тадбирлар ўтказилишига сарфлаяпмиз.

Адресли ёрдам ишига ҳам жуда жиддий қарадик. Ҳар бир тумандаги ёлғизлар, ногиронлар, ночор оилалар, ота-онасиз болалар, ўғилдан бевақт жудо бўлган қариялар ҳисобини олдик. Ҳозирча мингта анкета қўлимизда. Лекин ҳали бундан ҳам кўпроқ бўлиши керак. Демак, яна ишлаймиз, ҳар бир маҳалла, ҳар бир даҳага ходимларимиз бориб аниқлашади.

Балиқчидаги ходимимиз масъулият билан ишлаб, 125 кишини тавсия қилибди. Анкетада кимнинг нимага муҳтожлигигача ёзилган. Бировга бошпана керак, болалари учун кийим-бош, яна кимгадир озиқ-овқат, ярим соатгина сирдош бўлиб, ёлғизлигини эсдан чиқариш... Мустақиллик байрами арафасида минг хонадонга бордик. Кўнгил сўрадик. Кимгадир ўғил, кимгадир дўст бўлиб, меҳр улашдик. Совғаларимиз гўшт, чой, гуруч, картошка, пиёз бирор кўйлак ёки рўмол. Марҳамат туманидаги "Машъал" жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи 18 та кам даромадли хонадоннинг 18 та ўғилчасига суннат тўйи ўтказдик. Хўжалик касаба уюшмаси раиси Абдураҳмон Бойназаров хизмати катта бўлди бунда. Ўша тўй куни ҳар бир болага омонат дафтарчаси очилиб, жамоа хўжалиги ҳисобидан 1750 сўмдан пул қўйилди. Бизнинг вилоят қўмитамиз ҳам совға саломларидан ташқари ҳар бир бола учун 100 сўмдан пул қўйди. Ўша 1850 сўм 10 йиллик, 100 фоизлик депозит билан қўйилди. 10 йилда 25 миллион сўмдан ошиб кетади. Андижон туманидаги 7-автопаркда ҳам 31 август куни тўй ўтказдик. Ота-онасиз бир чилангар йигитни уйлантирдик.

— Янги режаларингиз ҳам бордир?

— Албатта. Ҳар бир тумандаги касаба уюшма қўмитасида фаолиятимизни тушунтириш, ўргатиш ишлари олиб борамиз. Насиб этса 1995 йил бошида Бўз, Булоқбоши, Комсомолобод тармоқ касаба уюшмалари ходимлари ҳам аввалгидек аъзолик бадаллари ҳисобидан маош олишни тўхтатади. Бу маблағларни элнинг ўзигагина сарфлашга ўтамиз. Хуллас, деҳқончилик саноати мажмуи касаба уюшмалари бадал ҳисобига эмас, ўз тадбиркорликлари маблағидан маош олишади.

— Ходимларингиз шундай ишларни амалга оширишга тайёрми?

— Бу масъулиятни зиммасига ололмаса бизнинг ходимимиз бўла олмайди. Қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида қайғурмаслик, уларни асраб, авайламаслик, зъзоз кўрсатмаслик, дастурхонидаги нонга иззат кўрсатмаслик гуноҳ-ку ахир!

Суҳбатдош: Замира РЎЗИЕВА "Ишонч" мухбири.

Биздан сўрабсиз

Саволларга Ўзбекистон Ижтимоий таъминот Вазирлигининг Бош мутахассиси Муқаддам ҲАСАНБОЕВА жавоб беради.

Уч нафар фарзандим бор. Ўзим ишлайман. Турмуш ўртоғим пенсионер. Илгари унинг пенсиясига болалар учун қўшимча қўшилар эди. Эндиликда болаларимга қанча ва қаердан нафақа тўланади?

М. МАҚСУДОВА, Тошкент шаҳри.

1994 йил 1 июлдан бошлаб "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон республикаси қонуни кучга кириши муносабати билан болаларга бериладиган қўшимча олиб ташланган.

Чунки, ушбу қонунни 28 бандига биноан пенсионернинг қарамоғидаги меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига бериладиган қўшимча кўзда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болалик оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 1994 йил 16 июндаги Фармонларига мувофиқ 1994 йил 1 сентябрдан 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга ягона нафақаларни тайинлаш жорий қилинган. Бериладиган ҳар ойлик нафақалар миқдори оиладаги болаларнинг сонига қараб ҳисобланади ва энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида тайинланади. Масалан, уч-тўрт болали оилага энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида тайинланади.

***

Онам 1989 йилда вафот этганлар. Менга давлат томонидан нафақа тўланади. 1994 йилдан бошлаб 18 ёшга тўлганлигим учун нафақа тўланмай қўйилди. Лекин мен ўқишимни давом эттираяпман, пенсия олишга ҳуқуқим борми?

Гулбаҳор КЕНЖАЕВА, Сурхондарё вилояти Бойсун тумани.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси собиқ Иттифоқ қонуни бўйича 18 ёшгача, ўқиса 23 ёшгача деб тайинланган эди. Шунинг учун 18 ёшдан кейин ўқишни давом эттирганларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси ўқиш даврида тўланиши керак. Сиз ўқиётганлигингиз учун 23 ёшгача олишингиз мумкин.

***

Ёшим 55 да, 12 йил мактабда меҳнат таълимидан инструктор, 13 йил тракторчи бўлиб ишладим. Бўлимда эса 7 йил бош механик бўлиб ишладим. Пенсияга чиқсам бўладими?

Ж. БЕКТОШОВ, Самарқанд вилояти, Қўшрабод тумани.

Қонунчиликда имтиёзли иш стажларини бир-бирига қўшиб ҳисоблаш кўзда тутилган. Албатта, бунинг ўз тартиб-қоидалари бор. Тракторчи ва ўқитувчи касблари учинчи рўйхатда кўрсатилган. Шунинг учун иш стажингизни бир-бирига қўшиб ҳисоблаш мумкин. Биринчи ва иккинчи рўйхатда кўрсатилган ишлар ҳам инобатга олиниши мумкин. Аммо учинчи рўйхатда кўрсатилган ишлар биринчи ва иккинчи рўйхатлар бўйича пенсия тайинланса инобатга олинмайди. Худди шундай биринчи рўйхат бўйича кўрсатилган ишлар иккинчи ва учинчи рўйхатдагиларга қўшилади, аммо биринчи рўйхат бўйича пенсия тайинланса унда иккинчи ва учинчи рўйхатдагилар махсус стажга қўшилмайди. Қисқача айтганда қийинроқ бўлган иш енгилроғига қўшилади. Енгил иш стажи эса қийинроғига қўшилмайди.

***

Мен оғир дардга дучор бўлиб қолганман, пенсиям кам. Шифокорлар маълумотномаси орқали менинг пенсиямни ошириш мумкинми?

Р. РАСУЛОВА, Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани.

Пенсия қонунчилигида бир неча хил қўшимчалар кўзда тутилган. Булардан биттаси ёлғиз бўлган II гуруҳ ногиронларига бериладиган қўшимчадир. Хатингизда сизга пенсия қайси миқдорда тайинлангани, гуруҳингиз, ёлғизлик ҳақида ҳам ёзмагансиз. Шунинг учун шифокорларнинг маълумотномаси орқали пенсиянгизга қўшимча қўшилиши ёки қўшмаслиги ҳақида аниқ фикр айтолмаймиз.

***

Ёшим 60 га яқинлашиб қолди. Экскаваторчи бўлиб 35 йил ишладим. Канал, зовур қазидим. Иш давримда кечалари вагонда ётиб қолардим, совуқда кўп вақт юрганим учун оёғим қақшаб оғрийдиган бўлиб қолди. 5 йилдан бери қишлоқда қоровул бўлиб ишлаяпман. Нима учун оғир техникаларда ишлаганларга имтиёзли пенсия берилмайди.

Қаюм САЮМОВ, Самарқанд вилояти.

Табиийки, имтиёзли пенсиялар махсус рўйхатларда мавжуд бўлган, зарарли деб қабул қилинган ишлар, лавозимлар, вазирликлар, уюшмалар, тегишли соҳаларнинг касаба уюшмаларининг таклифларига биноан қайта тузилган ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган. Бунда экскаваторчиларни имтиёзли пенсияга чиқиши кўзда тутилмаган.

Мен 1965 йилдан буён туман коммунал хизматидан фойдаланиш бошқармасининг озодалик бўлимида тракторчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. Тракторчи ва юк ортувчилар асосан ахлатларни ортиш ва ташиш билан шуғулланишади. Озодалик бўлимида ишловчи тракторчи ва юк ортувчиларга қандай енгиллик берилган. Неча ёшдан қарилик пенсияси тайинланади.

Худойқул ҚИЛИЧЕВ, Самарқанд вилояти, Нурота тумани.

Имтиёзли пенсияга чиқиш кўзда тутилган учинчи рўйхатда фақат жамоа ва давлат хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда бевосита ишлаганлар кўзда тутилган. Шунинг учун сиз қарилик пенсиясига барча фуқаролар қатори чиқасиз.

***

56 ёшдаман. Қурилишда 10 йил прораб, мастер бўлиб ишладим. Пенсияга чиқсам бўладими?

Б. МУСУРМОНОВ, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани.

Қурилишда мастер ва прораб бўлиб ишлаган эркакларга пенсия имтиёзли равишда, яъни умумий тарзда белгиланадиган пенсиядан беш йил олдинроқ, уларнинг умумий иш стажи 25 йил бўлиб, бундан 12 йилу 6 ойи мазкур лавозимларда ишлаганида белгиланади.

***

Уч боланинг онасиман. Жами иш стажим 35 йил, 24 йил токарь-фрезировщик бўлиб ишлаб келмоқдаман. Қолган йиллари хўжаликда бошқа соҳаларда ишлаганман.

Юқоридаги меҳнат стажи билан 50 ёшда имтиёзли пенсияга чиқсам бўладими?

Альбина МУРОДОВА, Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани.

Фуқароларга имтиёзли пенсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган махсус рўйхатларда кўрсатилган ишлар, лавозимлар, ишлаб чиқаришлар бўйича ишлаган даврларни инобатга олган ҳолда белгиланади.

Токарь-фрезировщик бу рўйхатларда кўрсатилмаган, шунинг учун сизга имтиёзли пенсия тайинлашнинг иложи йўқ.

***

Ҳаммом йил давомида кўмир билан иситилади. Ундаги ўт ёқувчиларга қандай енгилликлар берилган. Уларга қарилик пенсияси неча ёшда тайинланади.

Неъмат ЛУҚМОНОВ, Самарқанд вилояти.

Маиший хизматда ўт ёқувчи бўлиб ишлаган давр ҳам имтиёзли пенсияга ҳуқуқ бермайди, чунки амалда қўлланилиб келинган рўйхатларда фақат маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган котёльнийда ишловчи ўт ёқувчилар кўзда тутилган.

1994 йил - Оила йили

НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР

Ўзбекистонимиз шаҳар ва қишлоқларида шундай ажойиб оилалар бор-ки, уларнинг аҳил, фаровон турмушини кўриб, ҳавасингиз келади. Эртанги буюк кунларимизнинг эгалари — соғлом авлод мана шундай оилаларда вояга етаётганига амин бўласиз.

Фарғона вилояти хотин-қизлар Қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва маданият бошқармаси ҳамкорликда "Намунали оила" кўрик танловини ўтказди. Кўрик-танлов аввало қишлоқларда, кейин шаҳар, туманларда бўлиб ғолиблари вилоятга келишди.

Ҳар бир оила алоҳида-алоҳида айвонларда ўзлари дид билан безатган, минг бир хил ноз-неъматлар билан тўкис дастурхон атрофида, миллий кийимларда ўтиришибди. Ҳар бир оила ўз санъатини, одобу маданиятини намойиш этиш учун бирин-кетин даврага чиқадилар. Оиланинг муқаддаслиги, фарзандлар тарбияси, ота-оналарни улуғлашларни ифода этувчи ҳикоятлари, ҳадис намуналари билан куч синашди. Атлас кўйлакли қизлар, келинлар, оқ яктак марғилон дўппили йигитлар, нуроний отахонлар, оқ рўмолли онахонлар оила тотувлиги — юрт бойлиги, меҳнат мавзуидаги саволларга бурро-бурро жавоб беришади. Ўзаро "беллашувда" Қува ва Олтиариқ туманлик Рустамовлар ҳамда Мўйдиновлар оиласи биринчи ўринни олишди. Марғилон, Фарғона, Қўқон, Қувасой шаҳарлик Жалилов, Раҳимов, Мамажонов, Усмоновлар оиласи иккинчи ва Боғдод, Тошлоқ, Бешариқ туманлик Насриддинов, Мамасиддиқов, Алиевлар оилалари учинчи ўринга муяссар бўлдилар.

Кўрик-танловнинг энг муносиб ғолиби — қувалик Рустамовлар оиласи алоҳида олқиш олишди. Улар безатган дастурхон, дид билан кийинишлари оила бошлиғи Турсунали аканинг оила тотувлиги ҳақидаги фикрлари, келинлари Зуҳрахоннинг ўзига хос фазилатлари барчага маъқул бўлди.

Мукаммал ая билан Турсунали ака тўрт ўғил, уч қизни, кўплаб набираларни ақлли, одобли, меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялямоқда.

Вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Содиқжон Абдуллаев танлов ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширди. Вилоят хотин-қизлар кенгаши раиси Шакархон Мирзабобоева ғолибларни табриклади. Кўрик-танловда Фарғона вилояти ҳокими муовини Турсунали Қурбонов, шоирлардан Йўлдош Сулаймон, Малика Мирзаева, Зуҳра Алиевалар иштирок этиб, сўзга чиқишди.

"Ишонч" мухбири.

ПУЛЕМЁТЧИЛАР САРДОРИ

Бир ойдирки, Руминияни фашист босқинчилардан озод қилиш учун шиддатли жанглар давом этарди. Гвардиячи лейтенант Ғулом Каримов командир бўлган пулемётчилар взводи жангчилари Пашкани шаҳри жанубида ўт очиш позициясини эгаллашган.

1944 йил 27 апрель. Тонг ота бошлаган пайт. Ҳаво очиқ. Осмонда дамба-дам пайдо бўладиган булутдан ҳам асар қолмаган. Шунинг учун ҳам шинель ортиқчалик қилиб қолган.

Душман Молдовка дарёсининг кун чиқиш қирғоғида. Ўртадаги масофа 250—300 метрдан ошмайди. Шунинг учун гитлерчиларнинг қарши ҳужумга ўтишга ҳозирлик кўраётганликлари баралла кўзга ташланади.

Душман олдинги позициясида танклар пайдо бўлиб, атрофни мотор овози тутиб кетди.

— Пулемётлар чакалакзорларга олиб кирилсин! — команда берди гвардиячи лейтенант Ғулом Каримов.

Дарҳол пулемётларни чакалакзорга судраб кетишди ва ўт очишга шай бўлиб туришди.

Дадил олға интилаётган душман танклари тўпчилар зарбасига дуч келишди. Бир танкнинг ғилдирак занжири узилиб, жойида михланиб қолди. Бошқа бир снаряд иккинчи танкнинг ёнилғи бакига келиб тегди. Танк бурқсаб ёна бошлади. Аммо қолган икки танк ҳамон олға интиларди. Танклар паноҳида писиб келаётган гитлерчилар пулемётчиларга рўпара бўлиб қолишди.

Взвод командирининг ишораси билан тўрттала пулемёт бараварига ишга тушди. Гитлерчилар бирин-кетин қулай бошлашди. Жанг майдонини кузатиб турган Ғ. Каримов траншея ичида югуриб, шиддатни бўшаштирмасликка даъват этарди. Пулемётлар эса тиним билмасди. Бунга жавобан душман тўпчилари ҳам ўт очишга тутиндилар.

Пулемётчиларнинг ўт очиш позициясида кетма-кет уч снаряд портлади. Бир снаряд зарбидан иккинчи пулемёт расчети сафдан чиқди. Ўйлаб ўтиришнинг мавриди эмас. Взвод командирининг ўзи пулемётга яқинлашиб бориб, ўт оча бошлади. Ерга қапишиб олган гитлерчиларнинг бош кўтаришларига йўл қўймади. Портлаган иккинчи снаряд пулемётнинг ўзини сафдан чиқарди. Бу ҳол гвардиячи лейтенант Каримовнинг ғазабини қайнатди. Ўрнидан ғоз туриб жангчиларни олға бошлади.

— Шоввозлар, орқамдан!

Ҳаммаёқни "Ура!" садолари тутиб кетди. Пулемет ва автоматлардан узлуксиз отилган ўқ натижасида чекинаётган душманга қирон келтирилди. Взвод командирининг шахсан ўзи йигирмадан зиёд гитлерчини жаҳаннамга жўнатди.

Кўрсатган жасорати учун пулемётчилар взводининг командири гвардиячи лейтенант Ғулом Каримов 42-гвардиячи ўқчи дивизия командирининг 1944 йил 1 августдаги 094/Н рақамли буйруғига биноан Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Тун қоронғисида окопларда фақат пулемётчилар қолдирилиб, ротанинг бошқа жангчилари Молдовка дарёсидан унча узоқ бўлмаган ўрмон томон йўл олишди. У ерда навбатдаги ҳужум жангги олдидан тайёргарлик машғулотлари ўтказилмоқда эди.

Машғулот тугар-тугамас, теварак-атроф снарядлар портлашидан ларзага келди. Гитлерчилар артиллерия тайёргарлиги бошлаган эдилар. Отишма тугашини кутиш душманнинг ҳужумга ўтиши учун йўл очиб бериши деган гап.

— Гвардиячи лейтенант Каримов, зудлик билан ўт очиш позициясига етиб боринг!

Батальон командири гвардиячи майор Пушкаревнинг буйруғи пулемётчилар сардорига қанот бағишлади. У буйруқни такрорлади-ю, шошилинч взводи позицияси томон йўл олди.

— Пулемётлар жангга ҳозирлансин!

Ўт очиш позициясига етиб келган взвод командирининг буйруғи жангчиларни сергаклантирди.

Расчетлар жанговар буйруқни бажариш учун патронли ленталарни пулемётларнинг ёнгинасига келтириб қўйишди. Ғафлатда қолмаслик зарур эди-да.

Таркибида Ғ. Каримовнинг пулемётчилар взводи бўлган 132-гвардиячи ўқчи полк билан қўшни 127-гвардиячи ўқчи полк ўт очиш позициялари ўртасида 200—300 метрлик йўлак бор. Душман тўп ва миномётлардан ўша йўналишда ўт очаётганлиги сабабли позицияни ёриб ўтиш учун шу йўлак қулай деб танланганлиги яққол сезилиб турарди.

- Пулемётлар полклар оралиғидаги йўлакка тўғрилансин! — вазиятни синчковлик билан кузатиб турган гвардиячи лейтенант Каримов шундай буйруқ берди.

Молдовканинг ғарбий қирғоғидаги ўрмон ичидан ўрмалаб келаётган душман солдатлари дарёга туша бошлашди. Афтидан бериги қирғоқдаги ўт очиш позициясини эгаллаш учун шошилишяпти.

Шу пайт яна взвод командирининг жанговар даъвати янгради:

— Ҳамма пулемётлардан баравар ўт очилсин!

Позициянинг чап томонидаги пулемёт мўлжалловчисининг ўрнини Ғ. Каримовнинг ўзи эгаллади. Отишма қизиди. Гитлерчилар қаршилик кўрсатишга журъат эта олмай қолишди. Душманнинг йигирмадан ортиқ солдати ер тишлади. Қолганлар чекинишга мажбур бўлиб дарёга ташландилар. Пулемётлардан ўт очишни бир лаҳза ҳам тўхтатмаган взвод пулемётчилари дарё ичида ҳам ўнлаб гитлерчини жаҳаннамга жўнатишди.

51-ўқчи корпус командирининг 1944 йил 15 августдаги 031/Н рақамли буйруғига биноан Ғулом Каримов II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланди.

— Буйруғингизга мувофиқ ҳузурингизга келдим,— доклад қилди Ғулом Каримов батальон командирига.

— Ҳар қандай шароитда ҳам Сочь қишлоғи яқинидаги гитлерчилар мудофаасини ёриб ўтиш лозим,— жанговор вазифани тушунтира бошлади майор Пушкарев.

— Вазифани албатта бажарамиз,— жавоб қилди пулемётчилар сардори.

— Душман ДОТи ва ДЗОТи уч қатор чангал сим билан тўсилган, унгача 2 метр кенгликда мина ўрнатилган. Тонг отиши олдидан саперлар йўлак очишади, пулемётчилар уларнинг ҳаракатини кузатиб туришлари лозим,— таъкидлади полк командири.

— Албатта, кузатиб турамиз!

Ғ. Каримов ўт очиш позицияси томон йўл олар экан, ўзича режа тузиб борарди.

Душман ўт очиш позицияси ўрмонли тепаликка таралган. Пулемётчилар позицияси ҳам тепаликда, аммо теварак-атроф яланглик. Ўрта қалин бутазор.

Взвод командири пулемётчилари ёнига етиб келган маҳал қош қорайган, 150—200 метрдан нарини кузатиш қийинлашиб қолган эди. Шу маҳал душман томондан ракета отилди, теварак-атроф бир лаҳза ёришди-да, кейин ҳеч нима кўринмай қолди.

— Тонг отиши олдидан душман позициясига ўтиш учун йўлак очадиган саперлар ҳаракатини синчковлик билан кузатамиз. Артиллерия тайёргарлиги ниҳоясига етиши билан биз олга ташланамиз. Ўқ ленталари ҳамда гранаталарни ҳозирлаб қўйиш лозим,— взвод командири ҳар бир пулемёт расчети олдига шундай вазифа қўйди.

Пулемётчилар взводи жангчиларининг нигоҳи душман ўт очиш позициясида. Ўтаётган онлар дақиқалардек туюларди уларга. Ниҳоят кутилган фурсат етиб келди. Тонг ёришиб ўрталиқдаги бутазор кўзга ташлана бошлади. Бутазор ичидан уч киши чиқиб ерга қапишиб олишди. Улар сафига яна икки киши қўшилди. Беш сапер ёнма-ён тепалик сари сурила бошлади.

Саперлар етиб борган кенгликда қўйилган миналар бир неча лаҳзадаёқ зарарсизлантирилди. Чангал сим тўсиқларни йигирма метр кенгликда қирқиб, ҳужум бошлаш учун йўлак очилди. Бир талпиниш билан душман ДОТи ва ДЗОТига етиб олиш мумкин бўлиб қолди.

... Жанговар топшириқ бажарилди. Энди эҳтиёткорлик билан орқага қайтиш керак. Ерга қапишиб олиб сурила бошладилар. Бутазорга етиб олгач, энгашган ҳолда тез юриб кетишди. Чунки вақт ғанимат.

Саперлар ҳаракатини синчковлик билан кузатиб, топшириқни талаб қилинган даражада уддалаганликларини ўз кўзлари билан кўрган пулемётчиларнинг руҳи ёришди. Ҳадемай бошланадиган артиллерия тайёргарлиги ниҳоясига етиши билан олга ташланиб, ўқчи батальонлар ҳужумга кўтарилиши учун йўл очиб берадилар.

Юзлаб замбараклар ва миномётлардан ўт очилди. Артиллерия тайёргарлиги бошланган, гвардиячи лейтенант Каримов ҳам айнан тайёргарлик тугашини бесабр кутмоқда. Пулемётчиларнинг қулоқлари динг.

Ниҳоят траншеядан гвардиячи лейтенант Каримовнинг даъвати янгради:

— Олга, шоввозлар!

Барча баробар пулемётларни судраб, взвод командири ортидан очилган йўлак томон силжий бошлашди.

Бутазордан чиқиб олингач, чангал сим тўсиғи устунлари кўзга кўриниб қолди. Йўлакка тез етиб олиб, душман позициясига яқинлашиб борилди. ДОТга 20—25 метр қолганда пулемётлар бир-биридан 30—35 метр кенгликда жойлаштирилиб, ўт очишга шай қилинди.

— Пулемётлардан тўхтовсиз ўт очилсин! — взвод командирининг даъвати пулемётларга жон ато қилди гўё.

Орқа томонда яна кучли "Ура!" садолари янгради. Ўқчи батальонларнинг жангчилари ҳужумга ўтган эдилар.

Ўқчилар штурм қилувчи пулемёт взводи жангчилари билан ДОТга яқинлашиб боришди. Гранаталар иргитилиши натижасида яксон қилинган ДОТда қий-чув бошланди.

Ғ. Каримовнинг ўзи олдинда бориб, 7 фрицни ер тишлатди.

— Ватан учун тўхтовсиз, олга!

Пулемётчилар ҳам, ўқчилар ҳам душман мудофаа линиясини ортда қолдириб, Сочь қишлоғининг шимол томонидаги тепаликка чиқиб, мустаҳкамланиб олдилар. Энди ҳужумни зўр шиддат билан давом эттириш учун айнан имконият вужудга келди.

Душман тепаликни қайтариб олиш ниятидан воз кечмаган эди. Уч кун давомида гитлерчилар 26 марта қарши ҳужумга ўтишди. Душман ўқчи роталаримиз замбарак ва миномётлардан тинимсиз ажал уруғини ёғдириб, кўп сонли пиёдаларни жангга солди. Аммо гвардиячилар ҳар бир қарши ҳужумни зўр матонат билан қайтаришди. Душман катта талофат кўриб, чекинишга мажбур бўлди.

Гвардиячи лейтенант Каримов жанговар ҳаракатни бошқариш билан бирга ўзи ҳам пулемётдан ўт очиб, фашист газандаларига қирон келтирди.

Қарши ҳужумларни қайтариш давомида душманнинг 2 та ДОТи ва 9 та ДЗОТи қўлга киритилди. 150 га яқин гитлерчи қириб ташланди.

Кўрсатган мислсиз жасорати учун 40-армия қўмондони генерал-лейтенант Маченконинг 1944 йил 22 августдаги 094/Н рақамли буйруғига биноан Ғулом Каримов Қизил Байроқ нишони билан мукофотланди.

Олий Кенгаш ҳайъатининг 1945 йил 24 мартдаги Фармонига мувофиқ пулемётчилар взводининг командири гвардиячи лейтенант Ғулом Каримовга Қаҳрамон унвони берилган.

Ғалабадан сўнг оиласига қайтган Ғулом Каримов 1945 йили ўзи туғилиб ўсган "Маданият" жамоа хўжалигида табелчи, ўрта мактабда ҳарбий раҳбар, 1946—1947 йиллари эса савдо-кооперация мактаби директори, 1948 йили Қибрай қишлоқ матлубот жамияти бошқаруви раиси, 1948—1950 йилларда Қибрай қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлади.

1960—1962 йиллари тумандаги "Правда" жамоа хўжалигида фирқа қўмитаси котиби бўлиб ишлади.

Саломатлиги бироз яхшиланганч, 1964 йилдан пенсияга чиққунга қадар "Госкомсельхозтехника" туман бирлашмасида инженер вазифасида фаолият кўрсатди.

Қаҳрамон Ғулом Каримов ҳозирги кунда кексалик гаштини сурмоқда.

Мажид САМАДОВ,
Уруш фахрийси.

СЕНТЯБРЬ — ОКТЯБРЬ

26 Душанба

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ўйинқароқ болалар", "Бўй ўстирувчи дармон дори". Мультфильмлар.
18.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Истеъдодлар танлови".
19.45 "Адолат қомуси". Видеофильм. 1-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўлмас Умарбеков. "Қиёмат қарз". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
22.45 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.15 — 00.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
"Ҳамшаҳарлар" телеканали:

18.30 "Ассалом, онажон!"
18.45 "Кўзмунчоқ".
19.00 "Юзма-юз".
19.45 "Кулги бекатида".
20.00 "Менинг маҳаллам".
20.20 "Ҳамшаҳарлар".
21.20 "Яна севги ҳақида".
21.35 — 22.50 "Тақдир инъоми". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*
19.40 "Бевосита мулоқот".
*

"ОМАД" таништиради:

20.40 "Совға".
21.10 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.25 "Суперспорт".
21.55 Эълонлар.
22.00 Видео — "О".
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.50 "Курьер".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Оламда нима гап".
18.40 "Мулкдор алифбоси".
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.50 "Криница" ансамбли куйлайди (Краснодар).
20.00 "Кулги панорамаси".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 "Спорт уик-энди".
21.45 — 23.05 "Матбуот клуби".

27 Сешанба,

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. "Сўғдиёна" — Ўзбекистон терма командаси.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.20 "Ўзбекистонда куз". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
12.50 — 14.50 "Синов даври". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Улуғбек издошлари".
18.50 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Кашф этилаётган имкониятлар".
19.40 "Адолат қомуси". Видеофильм. 2-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон ва жаҳон". Европага йўл.
21.40 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.20 "Икки фильм, бир услуб". Кинокўрсатув.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
19.40 "Видеогид".
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*
19.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
20.40 "Кафолат".

"Тошкент" студияси таништиради:

21.10 "Эсдалик учун дастхат". К. Раззоқова.
21.40 "Ҳар соҳадан бир шингил".
22.00 "Менинг кўчам".
22.15 "Антенна".
22.35 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.
23.50 — 24.00 "Хотима".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Технодром".
18.35 Р. Рождественский хотираси.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 "Илк манбадан".
21.40 "Гол".
22.10 — 23.00 "50х50".

28 Чоршанба

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Оқ қоплоннинг зурриёти". Бадиий фильм. 1-серия.
10.05 "Янги алифбони ўрганамиз".
10.35 "Болалар меҳмонхонаси".
11.35 "Маънавият пойдевори".
12.10 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб..."
12.55 — 14.55 "Маърифат" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Мулкдор".
18.45 "Шеърий дақиқалар".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ҳаракатда баракат".
19.50 "Адолат қомуси". Видеофильм. 3-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Мустақиллик одимлари". "Ўзбектелефильм" маҳсулоти.
21.55 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.55 — 23.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун театр. "Митти фаришта".
19.15 "Билиб қўйган яхши".
19.40 "Дарсга қўнғироқ". Бевосита мулоқот.
20.40 "02" тўлқинида.
21.05 "Кинотриада".
22.05 — 23.30 "Судланувчи". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.30 "Ёшлар ва замон".
*
21.10 "Жараён".
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

22.00 "Технопарк".
22.20 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.35 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз". Ўзбекистонда миллий маданият марказлари.
23.35 Европа эстрадаси юлдузлари.
00.05 Футбол. УЕФА кубоги. "Нант" (Франция) — "Ротор" (Волгоград). 2-тайм.
00.45 — 01.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси била).
18.25 "Мулкдор алифбоси".
18.40 "Оламда нима гап".
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Оқ тўти" клуби.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 "Монолог".
21.40 "Нафрат ва муҳаббат оралиғида". М. Зошченко.
22.30 — 22.45 "Х" кўрсатуви.

29 Пайшанба,

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Оқ қоплоннинг зурриёти". Бадиий фильм. 2-серия.
10.05 "Қадрдонлар кўчаси". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.
11.00 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!"
11.30 Футбол майдонларида.
12.00 "Қувноқлар даврасида". Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 2-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг чиқиши.
12.25 "Ёшлик" студияси. "Имконият излаб..."
13.10 — 15.10 "Биз танлаган йўл". Телеканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Санъат ғунчалари".
18.30 "Буюк Ипак йўли"нинг янги уфқлари.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Мусиқий дақиқалар.
19.50 "Адолат қомуси". Видеофильм. 4-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом қўнганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Қутлуғ кун муборак". Видеофильм.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.40 "Жозиба".
19.00 "Бир шингил ҳангома".
19.10 "Зиндаги ёҳуд муҳаббат".
19.30 Видео янгиликлари.
19.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
20.40 — 22.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.30 — **21.30** "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*
21.30 "Хусусийлаштириш: янги йўналишлар".
*

"Тошкент" студияси таништиради:

22.00 "Бизнес-банк".
22.20 "Ягона оилада" (қозоқ тилида).
23.20 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Бавария" (Мюнхен) — "Динамо" (Киев). 2-тайм.
00.05 — 00.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Спартак" (Москва) — "Пари Сен-Жермен" (Франция). 2-тайм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Савол белгиси".
18.45 "СБ" жумбоғи.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Кумушранг шар". В. Вульфнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 "Москва — Кремль".
21.50 — 24.00 Ален Делон иштирокида бадиий фильмлар. "Офтоб чарақлаганда" (Франция, 1959 й.).

30 Жума

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Прерия". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 Дилга яқин қўшиқлар.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00 Немис тили.
12.20 "Чинорлар ва ниҳоллар".
13.00 Бир асар тарихи. Турғун Пўлат. "Ичкуёв".
14.10 — 14.40 "Фазилат".

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Дайди тўтиқушнинг қайтиши". Мультфильм.
18.20 "Жиноят жазосиз қолмайди". Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фаолиятига бағишланади.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Телефильм.
19.45 "Адолат қомуси". Видеофильм. 5-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Бевосита мулоқот.
22.00 "Маърифатнома".
22.30 "Ҳофизлар хониш қилганда". Озод Иброҳимов.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун театр. "Букри тойчоқ".
19.25 "Бу бўстон аро..." Мусаввир А. Мўминов.
20.05 "Деҳқон ҳиммати".
20.35 "Сиз билан, Сизлар учун!"
21.35 — 23.10 "Бурилиш". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.30 "Ғалла — ризқ-рўзимиз".
21.00 "Тараддуд". Осиё ўйинлари олдидан.
*

"ОМАД" таништиради:

21.30 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.
22.00 Эълонлар.
22.05 "Суперспорт".
22.35 "Саҳна".
23.00 "Даракчи".
23.05 Эълонлар.
23.10 — 00.45 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг"

***

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Инсон ва қонун".
19.00 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 А. И. Солженицин билан учрашув.
21.50 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 4-серия.
22.50 — 23.40 "Взгляд" А. Любимов билан.

1 Шанба

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Онтарио соҳилида бўлган воқеа". Бадиий фильм.
10.30 Бугун — Халқаро қариялар куни. "Ҳам қалбимиз, ҳам уйимиз тўрида...".
10.50 С. Абдулла, Т. Жалил. "Тоҳир ва Зуҳра". Андижон вилоят театрининг спектакли.
13.10 "Юрт ҳақида қўшиқ".
13.40 — 15.40 "Санъат сеҳри". Халқаро мусиқа кунига бағишланган видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Суварак". Мультфильм.
18.10 "Таъзим Сизга, устозлар!" Ўқитувчилар кунига бағишланади.
18.50 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ҳилол" студияси. "Бор барака".
19.40 "Етти иқлим садоси". Халқаро шарҳловчилар даврасида.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари". Халқаро қариялар кунига бағишланади.
22.00 Телевизион новеллалар театри. Неъмат Аминов. "Қўнғироқ".
22.40 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
13.00 "Омад" тақвими.
13.10 "Жозиба".
13.30 "Бир шингил ҳангома".
13.40 "Зиндаги ёҳуд муҳаббат".
14.00 Видео янгиликлари.
14.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
15.10 "Кинонигоҳ".

***

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Эсдалик учун дастхат".
19.40 "Ҳар соҳадан бир шингил".
20.00 "Менинг кўчам".
20.15 "Антенна".
20.45 "Кинематограф".
22.00 "Хотима".
22.05 — 23.20 "Зўр ўтирибмиз". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

10.00 "Телеоператор нигоҳида". Бухоро.
10.15 "Дидар" (қозоқ тилида).
10.45 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
11.25 Қорақалпоқ тароналари.
12.00 — 12.50 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. "Ференцвареш" (Венгрия) — МАСК.
*
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мульткарусель".
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Қалбим қўри".
20.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.50 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.30 "Американинг барча юлдузлари".
22.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.25 "Умид" (уйғур тилида).
23.00 — 23.25 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 "Бахтли тасодиф".
18.35 "Ўшангача ва ундан сўнг".
19.30 "Бомонд".
19.45 "Останкинонинг етти нотаси". Халқаро мусиқа куни.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 — 23.50 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Ўтакетган шайдойилар". Бадиий фильм (АҚШ).

2 Якшанба

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Болалар учун телевизион театр.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 86 — 87-сериялар.
12.00 "Соғлом авлод учун!"
12.20 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
12.40 — 14.20 "Устоз ва мураббий". Ўқитувчилар кунига бағишланган кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бир томчи". Мультфильм.
18.05 Болалар учун концерт.
18.35 "Ойнаи жаҳонда".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Оламга саёҳат".
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Барча шодлик Сизга бўлсин!" Мусиқий кўрсатув.
21.45 "Наби Ғаниев. Ижод завқи ва машаққати".
23.15 — 23.45 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.50 "Суперспорт". 1-қисм.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.00 Эълонлар.
20.05 "Курьер".
20.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.45 "Суперспорт". 2-қисм.
21.15 "Кимга қанақа".
21.45 "Даракчи".
21.55 Эълонлар.
22.00 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови (такрор).
11.00 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
11.30 "Юлдузларимиз юлдузлар".
12.30 "Мозийдан ёғдулар".
13.00 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
13.35 — 14.05 "Ариран". Корейсларнинг миллий ҳосил байрами.

***

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 — 20.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 "Дунё эшиги".
21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.50 "Озгина-ю созгина".
22.05 "Муштараклик".
22.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.50 Чет эл эстрадаси.
23.30 — 23.50 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.35 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
18.30 "Парнас сари босқич". Фестиваль афишаси.
18.50 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.05 "Мени севгин деб Сизга илтижо қилмайман". Г. Виноградов.
19.35 "Таксичи". Бадиий фильм (Италия).
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

Соғлом авлод учун шиори остида йил давомида бўлиб ўтган республика олий ўқув юртлари талабаларининг спорт мусобақалари муваффақиятли якунланиб барча вилоятларда Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида ғолиблар аниқланди. Спортчилар бу йилги мусобақаларда мини футбол, волейбол, енгил атлетика, фарғонача ва бухороча кураш бўйича ўзаро куч синашдилар. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги уч йиллигини ғоят кўтаринкилик ва шодухуррамлик билан кутиб олган самарқандликлар кўп ўтмай яна бир шодиёнанинг гувоҳи бўлдилар. Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд яна байрамона безалди. Ўша куни республикамиз олий ўқув юртлари спортчи талабалари бу ерга тўпландилар. Бу гўзал маскан уларни самимий кутиб олди.

"Универсиада-94" қатнашчилари қадимий ва навқирон шаҳарнинг Шоҳи Зинда, Гўри Амир мақбаралари, Улуғбек расадхонаси сингари қадимий жойлар билан танишдилар, диққатга сазовор жойларни томоша қилдилар. Шунингдек бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарида бўлдилар.

15 сентябрь куни Самарқанднинг энг гўзал зиёратгоҳларидан бири Регистон майдони узра ранго-ранг байроқлар ҳилпиради, атроф анвойи

Универсиада - 94

БЕЛИ БАҚУВВАТЛАР БЕЛЛАШУВИ

гуллар билан бурканди, майдон бўйлаб Ўзбекистон мадҳияси янграб, қалбларни фахр-ифтихор туйғуси тўлқинлантирди. Вилоятлардан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган юзлаб спорт ишқибозлари, олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада-94" мусобақаси очилиши маросимига тўпландилар. Уни Самарқанд вилоят кўнгилли "Пахтакор" спорт жамияти раиси Наим Саидов очди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раиси Ҳулкар Жамолов, Самарқанд шаҳри ҳокими Азиз Носиров, республика спорт қўмитаси раиси муовини Ҳошимжон Юсуповлар "Универсиада-94" қатнашчиларини спорт байрами билан табриклаб, уларга омад тиладилар. Самарқанд Давлат университети, Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳи ва Самарқанд савдо коллежлари ўйингоҳларида қизғин спорт беллашувлари бошланиб кетди. Бу мусобақаларда республика олий ўқув юртларидан 400 нафар йигит-қиз иштирок этди. Мусобақаларга Самарқанд қурилиш олийгоҳи ректори Рустам Холмуродов бош ҳакамлик қилди.

16 сентябрь куни мусобақаларга якун ясалди. Умумий командалар тўплаган натижалар бўйича Фарғона вилоят талаба ёшлари ғолибликни эгалладилар. Самарқанд, Сирдарё вилоят спортчилари 2 ва 3 ўринни бўлишиб олдилар. Бухороча кураш бўйича Самарқанд вилояти полвонлари биринчи, бухороликлар иккинчи, учинчи ўрин хоразмлик полвонларга насиб этди. Фарғонача усулда кураш бўйича биринчи ўринни тошкентлик, 2 ўринни андижонлик, 3 ўринни фарғоналик полвонлар эгалладилар. Волейбол бўйича ўтказилган беллашувларда тошкентликлар биринчи, фарғоналиклар иккинчи, бухороликлар учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Енгил атлетика бўйича мусобақаларда Тошкент шаҳри ёшлари ғолибликни қўлга киритдилар. Иккинчи ўринни фарғоналиклар, учинчи ўринни эса Самарқанд ва Сирдарё вилояти спортчилари бўлиб олишди.

Мини футбол биринчилиги учун курашда эса Сирдарё вилояти биринчи, иккинчи ўринга фарғоналик, 3 ўринга Қорақалпоғистонлик вакиллар сазовор бўлдилар.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ
"Ишонч" мухбири.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, Бешариқ шаҳридаги "Дилрабо" болалар боғчасида 100 дан ортиқ кичкинтойлар тарбияланади. Тарбиячилар уларга "Келин салом"дан тортиб, бешикка бола белашгача ўргатишади.

Суратда: Тарбиячи Гулчеҳра Бобохўжаева болалар билан машғулот ўтказмоқда.

Т. МАҲКАМОВ суратга олган.

БИЛАСИЗМИ?

Ривоятларга кўра милоддан уч минг йил бурун Хитой хони Тан Рафиқаси билан сарой боғидаги юмшоқ курсига ўтириб, атрофни томоша қилаётганида дарахтнинг пастки шоҳида бир қурт оғзидан ингичка ип чиқариб пилла ўраётганлигининг гувоҳи бўлишади. Улар қуртнинг ҳаракатларига қизиқиб қарашади. Сўнгги кунларда тайёр пиллани кўришади. Пилла ялтироқ ва жуда нозик ип ўрамидан ҳосил бўлганлигини англаган хон тавсияси билан сарой олимлари пилла қуртидан ипак олиш йўлларини кашф этадилар. Ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилгач, Ғарб давлатларига хусусан Римга ипак ва ипак газламалар етказиб бериш бошланган. Қайтишда Хитойга ойна ва бошқа нарсалар олиб келинган. Натижада машҳур савдо йўли — "Ипак йўли" вужудга келган.

ЮНЕСКОнинг қарорига кўра "Буюк ипак йўли"ни ўрганиш 1995 йилда ниҳоясига етади. Жаҳондаги 30 дан ортиқ мамлакат вакиллари ушбу хайрли ишда қатнашмоқда.

Жиззах шаҳрининг савдо, маданий марказига айланишида ва гуллаб-яшнашида "Ипак йўли" муҳим роль ўйнаган. Чунки у "ипак йўли"да жойлашган карвон қатновини таъминлаш мақсадида Жиззах шаҳрида ҳам мехмонхоналар, сон-саноқсиз карвонсаройлар, ровотлар, хонақалар, даштларда эса сардобалар — гумбазли ҳовузлар қурилган. Айниқса Зомин "Буюк ипак йўли"нинг қўналғаси ҳисобланиб, унинг тўрт дарвозаси, 15 га яқин карвон саройи бўлган. Зоминда ипак йўли "жанубий" ва "туркий" номли йўлларга ажралган.

"Ипак йўли"ни "тадқиқ" этишда Жиззахлик олимлар ҳам иштирок этмоқда.

Алибой ЭРГАШЕВ,
"Ишонч" мухбири.

ОБУНА БОШЛАНДИ!

МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОНЛАР!

1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна бошланди.

"ИШОНЧ" ва "ИШОНЧ—ДОВЕРИЕ" газеталари учун обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинади.

"ИШОНЧ"нинг фуқаролар учун ЯККА ТАРТИБДАГИ

йиллик обуна баҳоси — 97 сўм 20 тийин.

"ИШОНЧ—ДОВЕРИЕ" учун

йиллик обуна баҳоси — 22 сўм 80 тийин.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:

"ИШОНЧ"га

бир йилга — 177 сўм 60 тийин.

"ИШОНЧ—ДОВЕРИЕ"га

бир йилга — 40 сўм 80 тийин.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир ўринбосари
Акмал АКРОМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Турғунбой МАДИЁРОВ,
Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ
(бош муҳаррир).

• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоийда — 3-52-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 4-28-29
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТУВДА эркин нархда.
• Шанба кунлари чиқади.
• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:
Саидазим Шарофхонов.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• 69639 нусхада босилди.
• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.
• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-1062.

1 2 3 4 5 6